

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судига

Даъвогар

**Эшонов Баходир Темирович,
30.03.1942 й. т., Тошкент ш., Юнус обод тумани 108 мавзе, 13-уй, 66-хонадон
Тел. _____**

Жавобгар

**Болтаев Тоштемир Бердиевич,
30.03.1941 й. т., Тошкент ш., Юнус обод тумани 108 мавзе, 13-уй, 66-хонадон
Тел. _____**

ДАЪВО АРИЗАСИ

(турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида)

Тошкент ш., Юнус обод тумани 108 мавзе, 13-уй, 66-хонадон 1995 йил 30 февралдаги Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 13-сонли давлат нотариал идораси томонидан реестр рақами 1-2108-сон билан қайд этилган олди-сотти шартномасига асосан менга тегишли.

Мазур шартноманинг 13-бандига кўра жавобгар ва унинг оила аъзолари бир ойлик муддат ичида хонадонни бўшатиб бериш ва доимий рўйхатдан ўчиш мажбуриятини олишган. Жавобгар хонадонни бўшатиб берган, лекин доимий рўйхатдан ўчмасдан кетган. Жавобгарнинг яшаш жойи номаълум. Бу ҳақида тегишли далолатнома тузилган.

Хонадоннинг коммунал хизматлари учун тўловларни жавобгар учун ҳам бугунги кунга қадар тўлаб келмоқдаман. Бу эса ўз навбатида менга жавобгар учун уйнинг тўловлари ва солиқларини тўлашда қийинчилик ҳамда уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 52, 54, 140 – моддаларига асосан суддан:

Жавобгар Болтаев Тоштемир Бердиевични Тошкент ш., Юнус обод тумани 108 мавзе, 13-уй, 66-хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишингизни сўрайман.

Илова:

- 1) давлат божи тўланганлик ҳақида тўлов паттаси;
- 2) даъво ариза нусхаси;
- 3) уй ҳужжатлари нусхаси;
- 4) олди-сотти шартнома нусхаси;
- 5) форма №17 нусхаси (уй дафтари нусхаси);
- 6) паспорт нусхаси;
- 7) яшамаслиги ҳақида тузилган далолатнома (маҳалла кўмитасидан)

_____ **Б.Эшонов**

(имзо)

